O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«...эл-юрт манфаати йўлида қилинган савобли ишлар ҳеч қачон беиз кетмайди.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 22-may • Seshanba • 60 (27.705) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ Истиқлол иншоотлари

УЛКАН САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 17-18 МАЙ КУНЛАРИ ОРОЛБЎЙИГА САФАРИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Устюрт бағридаги мўъжиза

Мамлакатимиз шимолида ястаниб ётган кўз илғамас Устюрт кенгликларига боқиб, юртимизнинг нақадар бепоён эканига амин бўласиз. Бу ерда барпо этилган ва қарийб 60 гектар майдонни эгаллаган, мамлакатимиз саноати учун жуда зарур хомашё — йилига 100 минг тоннагача кальцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга Кўнғирот сода заводини кўрганда эса Ўзбекистонимиз улкан салоҳиятга эга мамлакат эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларда тобланган, мураккаб табиий шароитда ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган заҳматкаш қорақалпоқ элининг бағрикенглиги ва матонатини Юртбошимиз кўп бор таъкидлаган. Кўнғирот сода заводи ҳам ана шу фидойи одамлар меҳнати билан қад ростлади.

— Заводнинг маҳсулоти мамлакатимизда шиша ва кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришда, рангли металлургия, енгил саноат, қоғоз саноати, сув тозалаш тармоқларида асосий кимёвий қўшимча, компонент сифатида ишлатилибгина қолмай, хорижга ҳам экспорт қилинади, — дейди корхона бош директори Рихсибой Ёқубов. — 2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Жорий йилда бу кўрсаткични 80 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот сотилди.

Ушбу корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот — кальцийланган содага мамлакатимиз саноатида талаб жуда катта. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, бу эҳтиёж йилига 65 минг тоннани ташкил этади. Айниқса, шиша ишлаб чиқаришда унинг аҳамияти жуда муҳим.

Оролбўйидаги бу қудратли корхона халқаро талабларга тўла мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ушбу сода мамлакатимиздаги энг йирик истеъмолчилар — «Кварц», «Ўзсаноатқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятлари, «Фарм-гласс» ва «Ғазалкент-ойна» қўшма корхоналари, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекнефтгаз», шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия саноати корхоналарига етказиб берилмоқда. Якин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортиқча қисмини хорижга экспорт қилиш бошланади.

Устюрт саҳросида наинки мамлакатимиз, балки дунё бозорида ҳамиша харидоргир ҳисобланган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ноёб корхона бунёд этилди. Бу корхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай, халқимиз, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг яна бир кўзгусидир.

Ислом Каримов корхона мутахассислари, Қорақалпоғистон раҳбарияти ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви чоғида бундай заводни қуриш осон бўлмаганини қайд этди.

Устюртнинг қорли-бўронли қишига, баҳор ва кузининг тўзонли шамоли-ю, серёмғир кунларига, ёзининг жазирама иссиғи ва юзни куйдирадиган гармселига бардош бериш, қирқ чақирим жойга йўл, электр энергияси, сув, табиий газ олиб келиб, чўл қаърида замонавий коммуникация ва инфратузилмани бунёд этиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Қорақалпоқ халқида «Бирлашиб кўтарилган юк енгил бўлади» деган пурҳикмат нақл бор. Хитой Халқ Республикасининг «Ситик» компанияси вакиллари халқаро тендерда ғолиб чиқиб, ўзбек ва қорақалпоқ мутахассислари билан елкама-елка меҳнат қилди. Бунда Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 14 майда қабул қилинган «Кўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги қарор дастуриламал бўлди.

2-бет

❖ ЎзХДП: устувор вазифалар

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мустақил мамлакатимиз раҳбариятининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати изчил амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Унда кўзда тутилган ёш оилаларни моддий ва маънавий қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар жамиятимиз негизи – оилаларни мустаҳкамлаш, янги тузилган оилаларнинг оёққа туришига кўмаклашишга қаратилган бўлиб, партиямиз электорати манфаатларига тўла жавоб берувчи янги муҳим қадамдир, дейилади мазкур ҳужжатда.

Қарорда партия Марказий Кенгаши бўлимлари, Қорақалпоғистон республика, вилоят, туман, шаҳар кенгашлари олдига Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб этиш, унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қабул қилинадиган маҳаллий дастур ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишида фаол қатнашиш, ижроси мониторингини олиб бориш ва жамоатчилик назоратини уюштиришда бевосита иштирок этиш вазифалари қўйилди.

Улар, шунингдек, ёш оилалар кўп бўлган маҳаллалар ва қишлоқларда партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналарининг бўлинмаларини ташкил этиш, ёшлардан тушадиган мурожаат ва илтимосларни диққат билан ўрганиб, муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашишлари, Фармонда кўзда тутилган ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида бериладиган ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлардан фойдаланиш тартиб ва қоидалари тўғрисида ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилишини ташкил этишлари лозим.

Марказий Кенгаш Ижроқўми Ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларига мазкур ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиш, амалий таклифлар ишлаб чиқиш тавсия қилинди.

Ижроқўм Ҳайъати ўз қарори билан, шунингдек, партия матбуот нашрлари таҳририятларига ушбу Фармоннинг моҳияти ва бажарилиши тўғрисидаги материалларни мунтазам чоп этишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юклади.

ЯНГИ КОДЕКС ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (янги таҳрири) лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Божхона қўмитаси вакиллари, Ўзбекистон ХДП Марказий ва Тошкент вилоят кенгаши аъзолари, экспертлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов суҳбат иштирокчилари эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш борасидаги қонунчилик ҳужжатларига қаратди. Айнан Божхона кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, муҳокамага киритилаётгани бу борадаги ишларнинг муҳим босқичидир. Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб бормоқда ва минтақавий интеграция жараёнларида иштирок этмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиши учун хорижий шериклар билан алоқалар орқали вужудга келадиган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Шу боис янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси лойиҳасининг муҳокамаси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини такомиллаштиришнинг мақсад ва йўналишлари, кодексни янги таҳрирда қабул қилишнинг зарурияти ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисида давлат Божхона қўмитаси вакили Виктор Чипига тушунтириш берди.

Мазкур ҳужжат лойиҳаси амалдаги Кодексдан концептуал жиҳатдан жиддий фарқ қилади. Унинг қоидалари ташқи иқтисодий фаолиятни йўналтирадиган конституциявий ва фуқаролик қонунчилиги билан чамбарчас боғлиқ. Лойиҳада Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёнлари кенгайиб бораётган бугунги шароитдаги божхона сиёсати хусусиятлари ҳисобга олинган. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, янги кодекс божхона фаолиятининг ҳуқуқий асосини мутлақо янгилаш билан бирга, божхона ишини йўналтиришнинг янги ғояларини ифода этади.

Сўзга чиққанлар Божхона кодекси янги таҳрири лойиҳаси мазмун-моҳиятини ЎзХДП ташкилотлари ва фаоллари, БПТ орқали электоратга, кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлигини таъкидладилар. Лойиҳадаги янги нормалар ЎзХДП электорати манфаатига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларига янги таҳрирдаги кодексни қабул қилиш жараёнида партия электорати манфаатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган ***«1999 йил 26 февралда Москва шаҳрида имзоланган Белорусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги фуқаролик олишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»***ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси ***Бегмат НУРМЕДОВ*** маъруза қилди.

Мазкур Битим иштирокчи давлатларда фуқароликни олиш тартибини соддалаштиришга қаратилган. Унга мувофиқ, ҳар бир Томон унинг ҳудудига доимий истиқомат қилиш учун келаётган бошқа Томон фуқароларига соддалаштирилган тартибда фуқаролик олиш ҳуқуқини беради.

Фракция аъзолари ушбу Битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мамлакатимиз манфаатларига мос келади, деб ҳисоблаб, тақдим этилаётган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Депутатлар шунингдек, ***Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилги ҳамда 2007 йил I чорагидаги ижроси тўғрисидаги масалаларга доир материалларни*** муҳокама қилдилар. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари Суннатилло Бекенов тушунтириш берди.

2006 йилда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 10 февралдаги ҳукумат йиғилишида сўзлаган нутқида белгилаб берилган бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилди. Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари, инфляция даражасининг пасайиши ва халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари мустаҳкамланди. 2006 йил якунларига кўра ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, истеъмол товарлари 20,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 6,2 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 12,8 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 19,3 фоизга ўсди.

Ташқи иқтисодий фаолият ривожланди. Маҳсулотни экспортга чиқариш ҳажмлари кўпайди. Ташқи савдо ва тўлов баланслари янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил I чорагидаги ижроси бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил этди. Бу 2006 йилнинг тегишли давридаги кўрсаткичдан 2,5 баробар юқоридир.

Олиб борилаётган солиқ-бюджет сиёсати бюджетнинг даромад ва харажат қисмларининг бир-бирига мутаносиб бўлиши, хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкининг пасайтиришини таъминламоқда.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Джанни Вернетти раҳбарлигидаги делегация 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳиддинова билан учрашди.

ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларда ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон ва Италия олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар, парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

— Юртингизга ушбу ташрифдан мақсадимиз — деди Джанни Вернетти журналистлар билан суҳбатда, — мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Италия делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 22 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1036,70	1 Польша злотийси	449,46
1 Англия фунт стерлинги	2486,46	1 СДР	1907,58
1 Дания кронаси	228,44	1 Туркия лираси	951,39
1 БАА дирхами	342,89	1 Швейцария франки	1025,78
1 АҚШ доллари	1259,35	1 ЕВРО	1701,89
1 Миср фунти	221,62	10 Жанубий Корея вони	13,53
1 Исландия кронаси	19,96	10 Япония иенаси	103,87
1 Канада доллари	1156,64	1 Россия рубли	48,72
1 Хитой юани	164,32	1 Украина гривнаси	249,38
1 Малайзия рингити	371,38		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

❖ Бошланғич партия ташкилотларида

МАҲАЛЛА — ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ўзаро ҳамкорликда қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, партия кенгашлари маҳаллаларда аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказиб, уларни ташвишлантираётган масалаларни, қийнаётган муаммоларини қонунчилик йўли билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

Ана шундай тадбирлардан бири ЎзХДП МК Ижроқўми Ҳайъатининг 2007 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, ЎзХДП Тошкент шаҳар ва Учтепа туман кенгашлари республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, ХДП туман кенгашлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, қатор маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар иштирок этди.

Қатнашчилар дастлаб тумандаги «Журжоний» ва «Кўрғонтепа» маҳаллаларида бўлишиб, у ерда сўнгги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва маҳалла аҳлига яратилаётган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг «Учтепа» маҳалласи гузарида «Маҳалла — оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ва партиявий-ташкилий ишлар маркази» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Уни ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов олиб борди.

2-бет

❖ Истиқлол иншоотлари

УЛКАН САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 17-18 МАЙ КУНЛАРИ ОРОЛБЎЙИГА САФАРИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ҳужжатга мувофиқ хомашёнинг бой манбаларини ўзлаштириш асосида кальцийланган сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланди ва уларни изчил амалга оширишга киришилди.

Заводнинг ишлаб чиқариш бўлимларини бунёд этиш суръатлари жадаллашди. Қад ростлаган иморатларга кетма-кет ускуналар ўрнатила бошланди. Корхонани қуриб битказишда хитойлик мутахассислар билан бирга, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли ташкилотлар, «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиши», «Қорақалпоқдеҳқонқурилиши» каби йирик қурилиш ташкилотлари бунёдкорларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

— Ўша вақтда завод қурилишини 220 миллион АҚШ долларига баҳолаган хорижий технология эгалари ҳам бўлди, — деди Юртбошимиз. — Бу жуда кўп маблағ, боз устига, ўн йил муддатга олинадиган ушбу кредитни фоизи билан ҳисоблаганда, у янада катта миқдорни ташкил этарди. Биз эса ҳар жиҳатдан мақбул, оқилона йўлни танладик ва натижада хитойлик мутахассисларнинг 32,3 миллион долларлик замонавий технологиясини жорий этиш эвазига ҳам сифатли, ҳам харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий корхона қуришга муваффақ бўлдик.

Илғор технологиялар — тараққиёт омили

Қўнғирот сода заводи ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона ҳисобланади. Сода ишлаб чиқариш технологияси анча мураккаб бўлиб, тузни эритиш ва тозалаш цехидан бошланадиган ушбу жараён тўртта технологик босқични ўз ичига олади.

Устюртдаги «Борсакелмас» конидан вагонлаб келтирилаётган туз сиғими 2-3 минг кубометрлик цистерналарга солиниб, дистилланган сувда эритилади. Сўнгра махсус қувурлар орқали ишлаб чиқариш цехига етказиб берилади.

— Тузни эритиш ва тозалаш цехида ҳар сменада 12 киши ишлайди, — деди цех бошлиғи Баҳром Мухторов ЎзА мухбирларига. — Бунда, айниқса, операторлар Қанатбой Ерманов ва Фарруҳ Тилеумуратов, машинист Баҳодир Худойберганов самарали меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Қувурлар орқали бикарбонат цехига келиб тушган туз эритмаси тегишли компонентлар билан бойитилгач, абсорбция, дистиллаш, карбонлаш, фильтрлаш жараёнларидан ўтади. Кейинги цехларда у кальцийлантирилади ва тайёр маҳсулотлар цехига жўнатилади.

Ишлаб чиқариш цехи ўртасидаги ойнаванд хонада лаборатория жойлашган. Шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати назорат қилиб борилади. Лабораторияда ишлаётган кегейлилик Шаҳзода Сийпатдинова ва қўнғиротлик Нигорхон Сапарҳонова ўз ишидан мамнун.

Корхонанинг марказий бошқарув пульти фаолияти олий маълумотли химик-технолог Беқпўлат Хўжамбергеновнинг доимий назоратида. Бу ерда Бахт Алиева, Дилором Қўсмағанбетова, Бахт Нарзуллаев каби ўз касбининг устаси бўлган қўллаб ёшлар ишлайди. Улар компьютер орқали маҳсулот сифатини мунтазам қузатиб борадилар.

Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот 35 килограммлик қопларга қадоқланиб, омборларга жойланади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари дунёга машҳур «Хонивелл» ва «Сименс» фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқариладиган, илғор технологиялар билан жиҳозланган бундай йирик кимё корхонасининг МДҲ давлатлари орасида айнан бизнинг мамлакатимизда барпо этилгани барчамизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Тупроғи тиллога тенг юрт

Қорақалпоғистон ҳудуди беқиёс кон захираларига эга. Айтишларича, бу заминда Менделеев жадвалига кирувчи барча элементлар мавжуд. Шундай экан, яқин келажакда ушбу юртга келиб ишлашни хоҳловчилар, айниқса, хорижлик сармоядорлар янада кўпайиши, Қўнғирот сода заводи каби ноёб корхоналар сони ҳам ортиши тайин.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳали бу юртнинг тупроғи ҳам тиллога айланади. Биргина мисол – заводда сода ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош 92 фоизлик софликка эга бўлиб, бу кўрсаткич дунё миқёсида жуда юқори ҳисобланади. Тайёр маҳсулотнинг олий сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи ушбу хомашё Беруний туманидаги «Жамонсой» карьеридан ташиб келтирилади ва унинг кондаги захираси 10 миллион тоннани ташкил этади. Бу завод эҳтиёжини 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида таъминлаш учун етарлидир.

Дарвоқе, заводда маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосан уч хил хомашё – оҳактош, техник туз ва аммиак ишлатилади. Заводнинг йиллик эҳтиёжи 153 минг тонна оҳактош, 170 минг тонна техник туз ва бир минг тонна аммиакдан иборат. Техник туз «Борсакелмас» конидан олиб келинади. Аммиакни эса «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти етказиб беради.

— Завод қошида ана шу хомашёларнинг муайян муддатгача етадиган тегишли захирасини яратиш даркор, — деди Ислом Каримов ишчи ва мутахассислар билан суҳбатда. — Бу мураккаб табиий-иқлим шароитига эга минтақада жойлашган корхона ишида узилиш бўлмаслигини кафолатлайди.

Илғари Ўзбекистон кимё саноати учун йилига 70 минг тонна кальцийланган сода четдан келтирилар эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан бу ерда ҳар йили 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди.

«Кимё саноатини ривожлантириш асосан ишлаб чиқаришнинг экологик софлигини таъминлаган ҳолда, ўз манбаларимизни янада тўликроқ ўзлаштиришга асосланиши лозим». Президентимизнинг ушбу сўзларини шиор сифатида қабул қилган завод аҳли ўз меҳнат фаолиятида унга қатъий амал этаётир.

Интилиш инсонга қанот бағишлайди

Айни пайтда заводда 1300 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Кимё саноати Қорақалпоғистонда янги соҳа бўлгани учун тажрибали мутахассислар етишмаслиги табиий ҳол. Корхонанинг самарали фаолияти эса кўп жиҳатдан малакали кадрларга боғлиқ.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелда қабул қилинган «Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилиб, унинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудида жойлаштирилди. Ҳозир бу ерда 200 нафарга яқин талаба ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тўрт ихтисослик бўйича таҳсил олмоқда.

— Интилганга толе ёр, — деди Ислом Каримов талабалар билан суҳбатда. — Интилиш, яхши ният инсонга қанот бағишлайди, уни эзгу ишларга руҳлантиради. Янги заводнинг бугуни ва истиқболи ҳам айнан интилувчан ёшларнинг, билим ва тажрибаси юқори, замонавий технологияларни пухта эгаллаган мутахассисларнинг қўлидадир.



Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш мақсадида «Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компанияси томонидан етакчи мутахассислар юборилди. Бугун улар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этяпти. Корхона маъмурияти билан Тошкент кимё-технология институти ўртасида малакали ходимлар тайёрлаш борасида тузилган шартнома асосида олий маълумотли мутахассислар кела бошлади. Қўнғирот саноат-транспорт коллежини тугатган ёшлар ҳам заводга қабул қилинмоқда. Ёшларга Чирчиқ электро-кимё саноати заводи, Олмалиқ аммофос заводи, Навоийазот ва Фарғонаазот заводларидан келган малакали мутахассислар иш ўргатмоқда. Хитойдаги сода заводларида малака ошириб қайтган инженер-техник ходимлар ва ишчилар ҳам ўз тажрибасини ишлаб чиқаришга татбиқ этмоқда.

Корхона бош муҳандиси Абат Раимбергеновнинг айтишича, заводни кадрлар билан таъминлаш борасидаги бундай амалий ишлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз ишчи-ходимларнинг малакасини оширишга эътиборни янада кучайтириш, уларнинг ишлаш, ўқиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш, хусусан, Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлимида маҳаллий мутахассислар келгусида магистрлик босқичида ҳам таҳсил олишини йўлга қўйиш юзасидан зарур тавсиялар берди.

— Бу ерда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати барчамизни қувонтиради, — деди Ислом Каримов. — Улар истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси, бахт, пок орзу-ниятлар оғушида, келажакка – Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қатъий ишонч билан меҳнат қилмоқдалар.

Йўл ўтган жойда юксалиш бўлади

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳбарлигида диёримизнинг бошқа ҳудудлари қатори Қорақалпоғистонда ҳам улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Ана шу кенг кўламли янгиланишларнинг барчаси замонавий йўл қурилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Муҳим иқтисодий ва стратегик аҳамиятга молик «Учқудуқ-Мискин-Султонувайстоғ-Нукус» темир йўлини олайлик. Ўшанда, 2002 йилнинг августида Тошкент-Нукус йўналишидаги илк поезд қўшни давлат ҳудуди орқали эмас, биринчи марта ўз элимиз – ўз йўлимиз орқали Қорақалпоғистонга кириб борганини унинг дастлабки йўловчилари бўлган биз, журналистлар ҳали ҳам фахр билан эслаймиз. Шундан буён бу йўлдан Қорақалпоғистонни мамлакатимиз пойтахти, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон сингари давлатлар билан боғлайдиган қанчадан-қанча йўловчи ва юк ташиш поездлари ўтмади, дейсиз.

Истиқлолнинг яна бир иншоати – Ҳазорасп туманида Амударё узра барпо этилган 681 метрлик «Мискин-Тошсоқа» янги темир йўл ва автомобиль йўли кўпригининг ишга туширилиши ҳам нафақат эл узоғини яқин қилди, балки кишиларимизнинг ортиқча сарф-харажати ва вақтини тежаш имконини берди.

Президентимиз Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланган ва Қозоғистоннинг Каспий денгизи соҳилидаги Отрау бандаргоҳига туташадиган Нукус-Қўнғирот-Бейнов автомобиль йўли қурилишини янада жадаллаштириш ташаббусини илгари сурди. Ушбу йўлнинг завод билан Қўнғирот шаҳарчаси оралиғидан ўтадиган 120 километрлик қисмида қурилиш ишлари давлат дастурида белгиланганидан икки йил олдин — 2008 йилдан бошланади.

Юртбошимиз, авваламбор, завод ишчи-хизматчиларига янада кўпроқ қулайликлар яратишга қаратилган ўзининг ушбу қарори моҳиятини шундай изоҳлади — йўл ўтган жойда юксалиш бўлади!

...Ҳа, бу ерда янги йўллар, коммуникация, тараққиётни таъминлайдиган барча тармоқлар жадал ривожланади. Бепоён сахро бағридаги бўстон – Қўнғирот тағин-да обод бўлади. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган ишчилар шаҳарчаси — Элобод ҳам гўзал ва фаровон масканга айланади. Бу, ўз навбатида, аҳолининг мураккаб иқлим шароити қийинчиликларини енгиб яшашида, ишлашида, таъбир жоиз бўлса, мазмунли дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришида ҳам муҳим омил бўлади.

Ҳадемай, ана шу гўзал ва обод гўшалар бу ерга келган юртдошларимиз ва меҳмонлар қалбига ўзгача хушнудлик бағишлайди, уларни ҳайратга солади. Зотан, Қўнғирот сода заводи қурилишига ташаббускор бўлган инсонлар, жонажон корхонасининг шарафи-ю масъулиятини ўз зиммасига олиб астойдил меҳнат қилаётган жонкуяр мутахассислар, ишчи ва хизматчилар, орзу-ҳаваси, тақдирини мана шу завод билан боғлаганлар амалга оширган буюк бунёдкорлик ишлари мустақил Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажак!

Ғулом МИРЗО,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари,
Тошкент — Нукус — Қўнғирот — Тошкент.

Суратларда: *Қорақалпоғистондаги Қўнғирот сода заводи фаолиятидан лавҳалар.*

❖ Бошланғич партия ташкилотларида

МАҲАЛЛА — ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни электорат билан иш олиб борадиган асосий бўғинга айлантириш борасидаги ишларга бугун партиямиз алоҳида эътибор қаратаяпти. БПТларнинг фаолиятини йўналтириш ва мувофиқлаштиришда эса шаҳар ва туман кенгашларининг ролини ошириш талаб этилади. Бу ўринда БПТларнинг нафақат фаоллигини ошириш, балки, уларни, партия аъзоларининг, электорат вакилларининг ишончли масканига, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларимизнинг марказига айлантиришимиз зарур. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишда бу ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз.

Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Бугунги муҳокама қилинаётган масалалар мазмунмоҳиятига кўра, партия ташкилотларимиз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир сиёсий куч биринчи навбатда ўз дастурида белгиланган мақсадларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш орқали ўз ғояларини аҳолига сингдиришга ҳаракат қилади. Бу бежиз эмас, сабаби айнан маҳалла оқсоқоллари, фаоллари у ерда яшайдиган аҳолининг ўй-ташвишларини, орзу-истакларини, қолаверса, муаммоларини бошқалардан кўра кўпроқ билади, яхшироқ англайдилар.

Шу маънода партиямиз мамлакатимиздаги мавжуд маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларини тузишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, ҳозирги кунда республикамизда ўн мингдан ортиқ маҳалла фаолият кўрсатаётган бўлса, шунинг тўрт мингдан ортиғида ЎзХДП аъзолари раислик қилмоқда. Тошкент шаҳри мисолида кўрадиган бўлсак, мавжуд 480 та маҳалланинг 405 тасида тузилган бошланғич партия ташкилотларимиз партиямиз дастурида белгиланган асосий мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этишмоқда.

2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши ўз навбатида партия ташкилотларимизга ҳам катта масъулият юклади. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда биз биринчи навбатда мана шу маҳаллаларга ва улардаги бошланғич партия ташкилотларимизга суянамиз.

Шу маънода партиямизнинг маҳаллаларда БПТларни тузишга катта эътибор қаратаётганлиги бу биринчи навбатда аҳоли ўртасида обрў-эътиборнинг ошишига, хайрихоҳларнинг кўпайишига ҳамда таркибимизнинг сон ва сифат жиҳатдан ортишига хизмат қилади.

Маҳмуд ЯКУБОВ, ЎзХДП Учтепа туман кенгаши раиси:

— Туманимизда 53 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларнинг 28 тасини партиямизнинг фаол аъзолари бўлган оқсоқоллар бошқармоқда. 32 та маҳаллада бошланғич ташкилотларимиз фаолият кўрсатмоқда ва улар партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

ЎзХДП электоратини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ташкил этади. Маҳалланинг олдида турган энг асосий вазифа ҳам ижтимоий муҳофазага муҳтож одамларга яқиндан ёрдам бериш. Шундай экан, маҳалла ва партия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам ижобий самаралар бериши табиий.

Мухтор ИЛҲОМОВ, «Учтепа» маҳалласи оқсоқоли, маҳалла БПТ раиси:

— Маҳалламизда ЎзХДП аъзолари, тарафдорлари, унинг ғояларини қўллаб-қувватловчилар анчагина. Шу боис сафдошларимиз билан бирлашиб, маҳалламизда бошланғич партия ташкилотини тузганмиз. Унинг 23 нафар аъзоси бўлиб, улар маҳалладаги барча ишда фаол. Кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш уларнинг доимий ишига айланган.

Ташкилот аъзолари билан тез-тез йиғилиб, партиямиз ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ҳақида суҳбатлашамиз, қабул қилинаётган қарорларга муносабатимизни билдириб борамиз. Мавжуд муаммоларни депутатларимиз орқали ҳал этиб, шу йўл билан халқнинг ишончи ва эътиборини қозонишга ҳаракат қиляпмиз.

Шунингдек, давра суҳбатида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Гулнора Йўлчиева ҳамда Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Ғиёсовалар иштирок этиб, сўзга чиқдилар. Тадбир давомида бир гуруҳ фаолларга Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Суратда: давра суҳбатидан лавҳа.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Қашқадарё вилоятида «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Китоб туманида ташкил этилган мазкур анжуманда дин пешволари, таълим ва маданият ходимлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролик йиғинлари, ёшлар ташкилотлари вакиллари ҳамда тумандаги махсус ислом билим юрти талабалари иштирок этдилар.

Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов миллий ва исломий маданиятлар уйғунлиги ҳақида маъруза қилди. У жумладан шундай деди:

— Тошкентнинг «Ислом маданияти пойтахти» дея эътироф этилганлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Президентимизнинг махсус қарорига биноан Ҳазрати Имом мажмуасида олиб борилган реконструкция ишларидан сўнг Ўзбекистон мусулмонлар идораси ҳам янги бинога кўчиб ўтди. Айни пайтда идорага тегишли кутубхонада 25 мингдан зиёд ноёб қўлёзмалар сақланмоқда. Мажмуадаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон, Муйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжиди каби тарихий обидаларни таъмирлаш қизғин давом этмоқда. Ҳозир юртимизда Тошкент ислом университети, 10 та махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатяпти. Муҳими, бундай маънавият чашмаларига бўлган эътибор ва эъзоз улар фаолиятини жонлантирмоқда.

Анжуманда, шунингдек, Тошкент ислом университети профессори У.Уватов, республика хаттотлар уюшмаси раҳбари Х.Солиҳ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари З.Султонов, Қарши шаҳар Кўкгумбаз жомеъ масжиди имом-хатиби И.Райҳонов, Хожа Бухорий ислом билим юрти мудири А.Бойқобилов ва бошқалар ҳам мазкур мавзу юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Анжуман доирасида юртимиз ва воҳадаги қадимий масжиду зиёратгоҳларнинг суратлари ҳамда «Мовароуннаҳр» нашриётида чоп этилган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Китоблик ҳунармандлар ясаган ўймакорлик буюмлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ИНСОФНИ

ЁКИ ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ ПАХТА ЁҒИ ВА «ҚЎЛБОЛА» УСУЛДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ТАЙЁРЛАБ, ОДАМЛАР СОҒЛИГИГА ЖИДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАН АЙРИМ СОХТА ТАДБИРКОРЛАР ҲАҚИДА

Соғликдан буюк неъмат йўқ дунёда. Зеро, одамлар бир-бири билан кўришганда, дейлик, «қанча мол-дунёнгиз бор, уйингиз, ҳовли-жойингиз нечта?» деб сўрамайди. Балки «саломатлигингиз яхшими, фарзандларингиз соғ-омонми?» дейди. Чунки одам саломат бўлсагина бахтли бўла олади. Ҳамма нарса кишига соғлигидагина татийди.

Шу боис, ҳамиша мамлакатимизда соғлиқни сақлаш масаласига жиддий эътибор ва ғамхўрликлар қилинмоқда. Бу борада кўплаб хайрли ишларга қўл урилаётир. Ҳар йили турли шифохоналар, саломатликни тиклаш масканлари, туғруқхоналар, болалар сиҳатгоҳлари, поликлиникалар қурилиб, улар энг янги замонавий асбоб-ускуналар ва даволаш воситалари билан таъминланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аммо орамизда шундай кимсалар ҳам борки, улар мўмай даромад олиш учун ҳеч нарсадан тап тортишмайди. Ҳатто бу хатти-ҳаракатлари ўзгалар саломатлигига зарар етишини билишса-да бу нопок йўлдан қайтишмайди. Ваҳоланки, инсонлар сиҳат-саломатлигига зарар етказиш, улар ҳаётини хавф остига қолдириш нафақат инсофсизлик, нафақат оғир гуноҳ, айни пайтда жиноят ҳам саналади.

...Термиз шаҳрида яшовчи Холмурод Зокиров ўйлаб-ўйлаб даромад топишнинг «антиқа» йўлини топди. У уйида мойжувоз ускунасини ўрнатиб, пахта чигитидан ёғ чиқаришни бошлаб юборди. Холмурод «энди жарақ-жарақ пул топаман, осонгина бойиб кетаман» деган хомхаёллар билан юрганида Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари унинг йўлини тўсишди. Текшириш жараёнида «тадбиркор»нинг уйидан 700 кг. чигит, 2 дона эллик литрлик ҳажмдаги фляга ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ўзи эса қилмишига яраша тегишли жазосини олди.

Деновлик «тадбиркор» Жўрақул Жабборовнинг «ширин ҳаваслари» Холмуродникидан кам эмасди. У ҳам ҳалол меҳнат қилиб, пул топиш ўрнига қинғир йўлни танлади. Ундан-бундан ёрдам сўраб, пахта ёғи ишлаб чиқарадиган керакли ускуналарни топгач, қўлбола мойжувоз ўрнатиб, «фаолияти»ни бошлаб юборди. Лекин унинг ҳам бу қинғир иши узоққа бормади. Туман солиқчилари томонидан унинг ноқонуний фаолиятига нуқта қўйилди.

Жарқўрғон туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари фуқаро Даврон Холмуродовнинг уйини кўздан кечирганларида бу ерда ҳам мўъжазгина «қичик корхона» — мойжувоз ишлаб турганлигининг гувоҳи бўлишди. Текширишда 3219 кг. чигит, 1000 кг. кунжара, 700 кг азот ўғити, 100 литр пахта ёғи, 1 дона электр двигатель, редуктор, 38 метр электр кабели, ҳар бири 200 литрлик иккита ва 100 литрлик битта бочка ва ҳар бирининг сиғими 36 литрлик уч дона фляга борлиги аниқланди. У ҳам қилмишига яраша жазога тортилди.

Узун туманида истиқомат қилувчи фуқаро Баҳриддин Мелибоев деган шахс мўмай пул деб ноқонуний йўлни танлади. Одамлар саломатлиги уни мутлақо ташвишга солмади, бу иши ҳам гуноҳ, ҳам жиноятлигини ўйламади. У ҳам уйида яширин ҳолда мойжувоз ўрнатиб, «ишбилармонлик»ни бошлади. Текшириш пайтида унинг уйидан мойжувоз ускунаси, электр двигатели , редуктор, 6 метр кабель, 1225 кг. пахта чигити, 57 кг. кунжара, ва 5 кг. пахта ёғига ўхшаш суюқлик маҳсулоти чиқди.

Шунингдек, Хуршид Нормуродов, Муқаддас Толибоева, Жума Остонақулов, Қурбонназар Саидов, Темир Соатов, Худойберди Йўлдошев, Боймурод Бобоев, Анвар Пирназаров, Панжи Қувватов, Сафар Ҳайитов каби фуқаролар ҳам ўз уйларида яширин, қонунга хилоф равишда мойжувоз ўрнатиб, чигитдан истеъмолга яроқсиз пахта ёғи ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Улар ҳам сифатсиз, соғлик учун хавфли бўлган маҳсулотни одамларга сотиш билан шуғулланиб келганлар. Энг қизиғи, уларнинг бирортаси тадбиркор сифатида қонуний рўйхатдан ўтмаган, фаолият юритиш учун бирон тегишли идорадан рухсатнома ҳам олишмаган. Шубҳасизки, ҳеч қандай солиқ ва бошқа тўловларни ҳам тўлашмаган.

Мамлакатимизда қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман деган кишига барча имкониятлар етарли. Лекин юқоридаги «ишбилармонлар» тўғри йўл қолиб, қинғирликни танлаганларини қандай изоҳлаш мумкин? Мўмай пул топаман деб одамлар саломатлигини хавф остига қолдираётганларичи? Бу ачинарли ҳолат, кишини, аниқроғи тегишли идораларни жиддий ташвишга солиши керак. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони ҳам борки, хўш, чигитни эркин сотадиган биронта дўкон, омбор ёки корхона бўлмаса, бу олғир «тадбиркор»лар уни қаердан олишаяпти? Қўлбола мойжувоз соҳиблари ҳеч қийналмасдан чигит топишаётгани ажабланарли эмасми?

Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Ином Худойбердиев «тадбиркорлик»нинг янада осонроқ усулини танлади. У шаҳарнинг Шоҳизинда кўчасидаги 7«А» уйда махсус яширин цех очиб, унда қўлбола ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Ким билсин, «иш фаолияти» давомида И.Худойбердиев ўзи тайёрлаган сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз ароқ ва винолар билан қанчадан қанча одамларни заҳарлади экан?

Бундай маҳсулотлар инсон саломатлиги учун қай даражада хавф туғдириши ҳақида айрим мутахассислардан фикр сўрадик.

Серка КАТТАЕВ, Термиз шаҳридаги «Серко» хусусий эндокринология клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди:

— Этил спирти бу техник маҳсулот бўлиб, инсон ички организми учун жуда хавфли ва ўта зарарли ҳисобланади. Чунки инсон ундан тайёрланган «қўлбола» спиртли ичимликларни қабул қилганда ҳар хил нохуш асоратларга дучор бўлади.

Жумладан, у одамнинг кўриш қобилиятини сусайтириб, ҳатто кўзни кўр қилиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, асаб касалликларини келтириб чиқаради, жигар, буйрак тўқималари фаолиятини бузади. Ошқозон-ичак хасталигига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Қилич ИКРОМОВ, Сурхондарё вилоят 1-шифохонаси врач-гастроэнтрологи, олий тоифали шифокор:

— Мойжувозларда тайёрланган пахта ёғи сифатсизлиги туфайли, биринчидан, инсоннинг ошқозон-ичак системасига салбий таъсир кўрсатади. Тўқималарни емиради. Сифатсиз ёғнинг организмга сўрилиши анча қийин кечади. Натижада ичаклар фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Иккинчидан, яхши тозаланмаган истеъмолга яроқсиз ёғ таркибида заҳарли «гассепол» моддасининг меъёридан ортиқ даражада бўлиши кузатилади. Бу модда инсон кўз нурини сусайтиради, энг ёмони, бош мия тўқимасига салбий таъсир кўрсатиб, одамларни асабий ҳолга солиб қўяди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ САМЕ САМАТОВ

Ўзбекистон илм-фани ва таълим тизими оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим Ўзбекистон Қаҳрамони, Гулистон давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейи директори Саме Саматовни 58 ёшида орамиздан олиб кетди.

Саме Саматов 1949 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди, 1973 йили Сирдарё давлат педагогика институтининг физика факультетини тугатгач, меҳнат фаолиятини институт ўқитувчилигидан бошлади, сўнг факультет декани ўринбосари, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида меҳнат қилди. 1991 йилдан умрининг охиригача Гулистон давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейи директори лавозимида ишлади.

С.Саматов Сирдарё вилоятида биринчи ташкил этилган академик лицей асосчиси эди. У истеъдодли раҳбар сифатида ушбу таълим масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини юксалтириш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш борасида фидойилик билан хизмат қилди.

С.Саматов Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга изчил жорий этиш борасида ибрат кўрсатиб, Гулистон академик лицейини республика миқёсида етакчи ўринларга олиб чиқди ва мамлакатимизда биринчи бўлиб масофадан туриб ўқитиш тизимини йўлга қўйди.

Жонкуяр устоз С.Саматов академик лицейдаги педагогик фаолиятини физика фанининг долзарб соҳаларидан бири, ярим ўтказгичлар физикаси бўйича илмий ишлари билан қўшиб олиб борди. 40 дан ортиқ илмий, илмий-методик мақолалар, дарслик ва қўлланмалар яратди.

С.Саматовнинг ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида, Ватанга садоқатли, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган юксак хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонлари ҳамда 2006 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони билан тақдирланган эди.

Бутун умрини ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишга бағишлаган, меҳрибон мураббий, камтарин ва фидойи инсон С.Саматовнинг ёркин хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.СОЛИҲОВ, Р.ҚОСИМОВ

❖ **Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**

«АНДИЖОНКАБЕЛЬ»: ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ ОРТМОҚДА

ХОНОБОДДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ ХОРИЖГА ҲАМ ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА

Хонобод ҳақиқатан ҳам гўзал шаҳар. Бир томонда бошоқлай бошлаган буғдойзор, яна бир томонда яшилликка бурканган боғроғлар. Олис-олисларда эса мана шу ажойиб масканга обиҳаёт тортиқ этувчи «Кампирравот» сув омбори ястаниб ётибди.

Бу жойларни дунёга машҳур қилган яна бир жиҳат борки, бу — саноатнинг ривожланаётгани. Шу ўринда гап «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳақида кетмоқда. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бунёд этилган ушбу завод асосан собиқ республикалардан келтирилган хомашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарар эди. Ўша пайтда қурилаётган корхонага директор этиб тайинланган Ёркин Одилов боғ-роғлар яратишга ҳам эътибор қаратди. Негаки, ишчи-хизматчилар тоза ҳаводан, мевалардан бахраманд бўлишларини истарди. Йигирма-йигирма беш йиллар аввал экилган қарағайлар бугунги кунда катта дарахтларга айланган.

Корхона маҳсулотлари эса йилдан-йил машҳур бўла бошлади. Лойиҳадаги қувватга ҳам етиб қолганди. Бироқ, 90-йилларга келиб, собиқ республикалар билан алоқалар узилиб қолганлиги боис хомашё масаласи муаммога айланди. Шундай оғир дамларда ҳукуматимиз корхонани сақлаб қолиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор берди. Айниқса, маҳсулотни ўзимиздаги хомашёдан тайёрлашга ҳаракат қилинди.

— Юртбошимиз ҳар доим ишлаб чиқаришга маҳаллий хомашёларни жалб этмай туриб, катта ютуқларга эришиб бўлмаслигини таъкидлайдилар, — деди биз билан суҳбатда қўшма корхона бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ёркин Одилов. — Мутахассисларимиз, рационализатор ва ихтирочиларимиз бу борада астойдил бош қотиришмоқда. Масалан аввалларида четдан катта валюта эвазига келтирилган мис ва бошқа маҳсулотлар республикамиз корхоналаридан олинмоқда. Ёнилғи-энергетика ресурслари қимматлашиб бораётганлиги боис уларни иложи борича камроқ сарфлаб, кўпроқ сифатли ва арзон маҳсулотлар тайёрлаш асосий режаларимиздан биридир.

Корхона бош директорининг сифат бўйича ўринбосари Анваржон Аҳмедов билан цехларни айланар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қилдик. Мана биз корхонанинг асосий хомашё — «Мис ғўласи» тайёрланадиган цехидамиз. Машина-механизмлар аниқ маромда ишлаб турибди. Одамларнинг қўлиқўлига тегмайди. Кран ёрдамида Олмалиқ кон-металлургия комбинатидан келтирилган мис катанкаси печга юборилмоқда. У юқори даражада эритилгач, дастгоҳдан йўғон сим бўлиб чиқяпти. Бу ердагилар уни «мис ғўласи» дейишар экан. Ҳар бир ўрами 3-3,5 тоннадан. «Мис ғўласи» кейинги цехга юборилади. Бу ерда турли ўлчамда сим ўрамлари тайёрланиб, кабель цехига узатилади. Ҳамма иш автоматлашган.

Дарвоқе, барча цехлар замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланган. Германиянинг илғор фирмаларида ишлаб чиқарилган линиялар серунумлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда цехларни реконструкция қилиш, қудратли техника воситаларини келтириб ўрнатиш давом эттирилмоқда. Айниқса, «Мис ғўласи» тайёрлашда Финляндиянинг «Нокиа» компаниясида ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ўрнатилгач, мис ўрамлари тайёрлаш янада кўпайди, кўлами кенгайди. Сифати ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради. Бошқа цехларда ҳам бу жараён давом этмоқда. Бутун бошли конвейерлар ҳам янгиланмоқда. Масалан, симларни кабел билан қоплаш дастгоҳларини Хитойдан олиб келишди. Уни шу юрт вакиллари ўрнатиб, ишга тушириб беришлари керак эди. Лекин корхонадагиларнинг ўзлари бу дастгоҳларни ўрнатиб, ишга тушириб қўя қолишди.

Корхонада кейинги пайтда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам қатор ишлар қилинди. Жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш кучайди. Айниқса, россиялик ҳамкорлар билан фаол иш олиб бориляпти. Бу эса ўз навбатида нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технологияларни жорий этиш, шу аснода ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, унинг юксак сифатини таъминлаш имкониятини беряпти.

Агар 2006 йилда корхонада эришилган натижаларни кузатсак, буни чуқур ҳис этамиз. Йил давомида 43 миллиард 869 млн. 341 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулотга ҳаридорлар кўпайиб бормоқда. Ўтган йили 25 миллион 887 минг АҚШ доллари миқдоридаги тайёр маҳсулот хорижий харидорларга сотилганлиги фикримиз далилидир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш миқдори 506 миллион сўмдан ошди. Корхонанинг асосий маҳсулотлари — шаҳар телефон кабеллари, мис симлар, юқори частотали алоқа кабеллари, юқори кучланишли электр узатиш линиялари учун сим ўрамлари тайёрлаш миқдори анча ошди.

Эришилган муваффақият қўшма корхона жамоасининг дунё андазалари даражасида маҳсулотлар тайёрлаётгани туфайлидир. Айни пайтда ўн парадан 600 парагача бўлган кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Бундай кабеллар юртимиздагина эмас, хорижда ҳам харидоргир бўлиб, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эрон, Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда. Маҳсулотлар сифатининг юқорилиги ҳамкорлар ишончини оқламоқда.

Қўшма корхонанинг бир кунлик иш жараёнини кузатамиз. Ишчи Гулноза Мамажонова турфа рангли ингичка симларни диққат билан пардозламоқда. «Шуҳрат» медали соҳиби Исомиддин Сиддиқов билан Насриддин Каримов кабелларга қобиқ қопламанинг сифатли бўлишини таъминлайди. Лайлохон Маматалиева эса кабеллар сифати назоратини кўнгилдагидек бажарса, Шокиржон Абдуллаев техник назоратга жиддий эътибор қаратади.

— Қўшма корхонамиз экспорт салоҳиятининг ортиши маҳсулот сифатига қўйилган қатъий талаб, техник янгиланиш жараёнини изчил амалга ошириш билан боғлиқ, — дейди Анваржон Аҳмедов. — Эскирган дастгоҳлар ўрнини замонавий дастгоҳлар эгаллаяпти. Ишчилар маҳорати доимо ошириляпти. Меҳнатлари моддий ва маънавий тақдирланяпти. Ибратли ишлаганларнинг тажрибаси оммалаштириляпти.

Айтмоқчи, ўтган йили бир қанча янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилдики, бу корхонанинг янада довруғи ошишига сабаб бўлди. Масалан, юқори намлик шароитларида фойдаланиш учун ишлатиладиган гидрофобинол билан тўйдирилган кабеллар тайёрланмоқда. Авваллари бу хомашё каттагина валюта эвазига хориждан олиб келинарди. Энди эса маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича минерал мойлар асосида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида гидрофобинол тайёрланмоқдаки, бу андижонлик кабелсозларга анча арзон тушяпти. Демак, тежамкорлик туфайли корхона иқтисодиётига барака киряпти. Ўтган йили ана шундай кабеллардан 11 минг 150 метр тайёрланди.

Яна бир янгилик: Навоий конметаллургия комбинатидан буюртма тушди. Гап шундаки, аввалларида навоийлик кончилар олтинни саралашда ишлатиладиган зангламас пўлат сим тўрларни валюта эвазига хориждан олиб келишар экан. Шу боис кабелчиларга мурожаат қилинганди. Малакали, қўли гул мутахассислар қисқа муддатда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Ўтган йил охиригача 60,22 минг квадрат метр пўлат сим тўр ишлаб чиқарилди. Энди ҳар йили шунчадан маҳсулот-комбинатга етказиб берилишига келишиб олинди. Бундан ташқари рангли металлардан ҳам сим тўрлар ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да корхона ишчи-хизматчиларига бўлган ғамхўрлик янада кучайтирилмоқда. Уларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳимоя қилиш, яхши дам олишини таъминлашга алоҳида эътибор қилинмоқда. Энг муҳими, моддий манфаатдорлик ошиб бораётир. Чунончи, ўтган йили корхона бўйича ўртача ойлик иш ҳақи 112 минг 100 сўмни ташкил этганди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида эса ўртача ойлик иш ҳақи 154 минг сўмдан ошди. Айни пайтда корхонада 1300 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.



Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Сифати ошди. Буни биринчи чорак давомида 12 миллиард 959 миллион 228 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганидан ҳам билса бўлади. Экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар ўсди. Уч ой ичида 6 миллион 385 минг АҚШ доллари миқдорида сифатли маҳсулот хорижга жўнатилди. Энг муҳими, маҳсулот сифатига нисбатан бирон марта ҳам эътироз хати олинмади.

Бугунги кунда «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси олинган даромаднинг асосий қисмини ва барча инвестицияларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, уни модернизация қилишга сарфламоқда. Яқин келажакда корхона қуввати янада ошиб, мустақил диёримизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга бундан-да кўпроқ ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: *қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Венесуэла соғлиқни сақлаш вазири жамоат жойларида чекишни тақиқлаш ҳақидаги таклифи учун ишдан олинди. Мамлакатнинг қатор шаҳарларида кенг кўламли норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Бунга соғлиқни сақлаш вазири Эрик Родригеснинг ҳукуматнинг жамоат жойларида чекишга қарши курашни бошлаш режалари ҳақида радиода қилган баёноти сабаб бўлганди. Аҳолининг норозилиги босими остида мамлакат президенти Уго Чавес шошилинч тарзда соғлом ҳаёт тарзи учун курашаётган ушбу ҳукумат аъзосини истеъфога жўнатишга мажбур бўлди.

Венесуэлаликларнинг вазир баёнотидан бунчалик дарғазаб бўлганлигидан ажабланишга ҳожат йўқ. Зеро, тадқиқотлар маълумотларига кўра, мамлакат аҳолисининг ярми ашаддий кашанда ҳисобланади.

ЕВРОПАДАГИ ИККИНЧИ БАНК

Италияда Unicredit ва Capitalia банкларининг қўшилиши натижасида янги банк — Unicredit Group тузилди. У мамлакатнинг энг йирик, айни чоғда Европанинг иккинчи банкига айланди. Банкнинг сармояси 100 миллиард евро ни ташкил этади. Италия оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, у Европада ўн мингта бўлимга эга бўлиб, шундан ярмиси Италияда жойлашади. Банк хизматчиларининг умумий сони 170 минг кишидан иборат. Молиявий-кредит муассасасининг асосий фаолияти жорий йилнинг кузидан бошланади.

УНУТГАНЛАР

«Қўлбола» усулда ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликлар эса бундан ҳам ачинарли ҳолларни келтириб чиқаради. Биринчи навбатда, инсоннинг жигар ва жигар тўқимаси ҳамда буйрак фаолиятини бузади. Натижада ошқозон ости бези фаолиятига зарар етказиб, гепатит, цирроз касалликлари келиб чиқиши кузатилади. Шу касалликлар билан аввалдан оғриган кишилар бўлса, уларнинг аҳволи янада ёмонлашади.

Гап шундаки, «қўлбола» усулда тайёрланган спиртли ичимликларни истеъмол қилиш — одамнинг ўзини ўзи кўра-била туриб заҳарлаши билан тенгдир.

Минг афсуски, мўмай шахсий даромад орттириш илинжида ўз юртдошларини заҳарлаш эвазига бўлса-да, ҳаром бойлик кетидан қувадиган «олғир»ларнинг кам эмаслиги ташвишланарли ҳол, албатта.

...Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан И.Худойбердиевнинг уйидан ашёвий далил сифатида 595 дона «Ўзбекистон портвейни» этикеткаси, 20 дона акциз маркаси, вино шишасининг 79 дона тиқини, 500 дона бўш шиша, ҳар бири 20 литрлик 4 дона пластмасса канистр, 10 шиша арақ, 14 дона темир қути, 14 дона пластмасса қути, 20 литр спирт, 360 литр вино маҳсулоти ва бошқа ашёвий нарсалар олиб қўйилди.

Қумқўрғонлик фуқаро Мамаюсуф Аллабердиев ҳам «Янгиер» маҳалласидаги уйида яширин цех очиб, этил-техник спиртидан «Денов» ароғи тайёрлаб сотиш билан шуғулланиб келган. Мамаюсуфнинг хуфиёна «бизнеси» сири очилгач, уйидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 221 шиша арақ, қалбаки акциз маркалар, 23 дона бўш шиша ва шишанинг бураб ёпиладиган 231 та қопқоғи ва бошқа нарсалар топилди.

— Бошқармамиз ходимлари биргина ўтган 2006 йилда солиқ қонунчилигини кўпол равишда бузиб, олаётган даромадларини солиқдан яшириб келаётган сохта тадбиркорларнинг хуфиёна иқтисодий фаолиятларини аниқлаш юзасидан 34 марта текшириш ўтказдилар, — дейди Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш (ВОЖЖДЛҚК) Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси инспектори Муҳаббат Примқулова. — Улардан умумий қиймати 6 млн. 492 минг сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ва ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Текшириш жараёнида 18 та ёғ ишлаб чиқарувчи мойжувоз, 4 пахтани қайта ишловчи ва 6 та спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи ва шунча турдаги бошқа цехлар фаолияти тўхатилди.

Шунга ўхшаш қинғир йўллар билан даромад орттирадиганлар фаолияти иқтисодга ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Масалан, ангорлик Э.Жаппаров уйида бир эмас, иккита мойжувоз ўрнатиб ишлатганлиги учун туман электр тармоғи корхонасига 657,5 минг сўм миқдорида зарар етказган.

Кишини шу нарса ажаблантирадики, мол-дунё орттириш дардида ноинсофларча иш тутаётган кимсалар наҳотки ўзгаларнинг бошига кулфат келтириб, барака топаман, деб ўйлашса? Улар қаттиқ янглишадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари назоратда. Фуқаролар соғлиги ҳимояда. Бу ҳимояга тажовуз қилганлар энг аввало қонун олдида, сўнгра эл-юрт олдида жавоб берадилар.

Комил ИСМОИЛОВ, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги республика ахборот-маслаҳат маркази Сурхондарё вилоят бўлинмаси бошлиғи, Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ФАРҒОНА ШАҲРИ «МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ»

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: ЛОТ-1.
Лот 1-1. Фарғона шаҳар, «Болалар шифохонаси» 1-ва 2-корпус биносини капитал таъмирлаш.
ЛОТ 1-2. Фарғона шаҳар, «2-сонли катталар поликлиникаси» биносини капитал таъмирлаш.
Қурилиш муддати — 3 ой.
Буюртмачи манзили: Фарғона шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 2-уй, тел.: 222-04-05, 222-27-15.
Қурилиш-монтаж ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

9114-ҲАРБИЙ ҚИСМ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи: Қувасой шаҳридаги 9229-ҳарбий қисмнинг «Қувасой» чегара базаси бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш».
Қурилиш муддати — 2007 йил IV чорак ва 2008 йил I чорак.
Буюртмачи: 9229-ҳарбий қисм.
Манзил: Қувасой шаҳри.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

«ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМ БЎЛДИ»

— ДЕЙИШДИ I РЕСПУБЛИКА НОГИРОНЛАР СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси, республика Ногиронлар жамияти, «Нур» ногирон тадбиркорлар ассоциацияси ҳамда ўзбек футболи фидойиси, марҳум Олимжон Акбаровнинг фарзандлари ташкилотчилиги ва ҳомийлигида ўтказилган I Республика Ногиронлар спорт ўйинлари ҳам ана шундай эзгу мақсадларни ўзида мужассам этди.

Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб уюштирилган мазкур нуфузли мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 10 та жамоа мини-футбол ҳамда волейбол бўйича ўзаро баҳс юритдилар. Пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуида икки кун давом этган мусобақалар якунида мини-футбол ҳамда волейбол (эркаклар) бўйича пойтахтликлар бош совринни қўлга киритган бўлса, волейболчи қизлар ўртасида Навоий вилояти вакилаларига тенг келадигани топилмади. Спорт байрами тусини олган тадбир сўнгида ғолиб ва совриндорларга махсус кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, ҳомий ва ташкилотчилар томонидан таъсис этилган ўнлаб номинациялар ғолиблари аниқланиб, пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган инсонларни ардоқлаб, шундай ажойиб тадбирни уюштирган. Бу биз учун ҳақиқий байрам бўлди — дейди волейбол бўйича Навоий вилояти терма жамоаси сардори Райҳон Нурмуҳамедова. — Мусобақалар давомида атрофдагиларнинг бизга кўрсатган эътибор ва ғамхўрликларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Тадбир якунида ташкилотчиларнинг Республика ногиронлар спорт ўйинларини анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиш ниятида эканликларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ушбу мусобақалар туман ва вилоят миқёсида ҳам мунтазам ўтказилса, айни муддао бўларди. Энг муҳими, спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш саломатлигимизни мустаҳкамлаб, руҳни тетиклаштиришини чин юракдан яна бир карра ҳис қилдик.

Келгуси йили Хитойнинг Пекин шаҳрида ногиронлар ўртасида Бутунжаҳон Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Пойтахтимизда илк маротаба уюштирилган Республика ногиронлар спорт ўйинлари эса ана шу муҳим мусобақа олдидан ҳамюртларимиз учун ўзига хос синов вазифасини ўтаганлиги шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

❖ Фанимиз фидойилари

ИЛМГА СУЯНМОҚ БАХТИ

Илм-фан йўли шундай машаққатлики, у доим изланувчанликни, ҳаллолликни, чинакам фидоийликни талаб этади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», профессор Маҳмуд Абралов ҳам ана шу машаққатларни мардонавор енгиб, ўзининг илмий салоҳияти, ҳалол меҳнати билан эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган устозлардан.

Домланинг таржимаи ҳолига назар ташлаган киши унинг бутун умри интилиш ва изланиш билан ўтаётганига гувоҳ бўлади. Ёш олим ўз билимини бойитиш мақсадида Киев политехника институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва машҳур олим В.Дятлов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг бу тадқиқот иши ўз даврида соҳанинг етук олим ва мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Шундан сўнг уни Тошкент политехника институти (ҳозирги ToшДТУ)да янги ташкил этилган «Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари» кафедрасига мудир этиб тайинлашди. Илмий изланишлари туфайли домла илмда яна бир чўққини забт этди, яъни 1996 йилда профессор унвонига сазовор бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Маҳмуд Абралов Тошкент давлат техника университетида ўзига хос илмий мактаб яратди. Кўплаб щогирдлар етиштирди. Унинг илмий раҳбарлиги остида 11 та номзодлик, 1 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Пайвандлашда металларнинг қотиш жараёнини ва структура ўзгаришларини микроскоп орқали юқори тезликка эга бўлган тасмаларга тушириш методикаси, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаларида ишлатилаётган ва янги яратилган алюминий қотишмали материалларни пайвандлаш учун флюс пасталар, янги пайвандлаш технологияси ҳам олим раҳбарлигида кашф этилди.

Заҳматкаш олим 250 дан ортиқ илмий мақола, 3 та йирик монография, 4 та ўқув қўлланма муаллифи.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ,
техника фанлари доктори.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
11212 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 24.00
Topshirilgan vaqti — 01.20
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

❖ Болалар спорти

ТАЭКВОНДО: «ЖАР»ДАГИ ЖАНГЛАР

Болалар ва ўсмирлар ўртасида иккинчи маротаба ўтказилган анъанавий халқаро турнирда Ўзбекистон, Россия ҳамда қозоғистонлик ёш таэквондо усталари ғолиблик учун беллашдилар

Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуида уюштирилган ушбу мусобақада икки юз нафардан зиёд «қора белбоғ» соҳиблари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари маркази, Таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган халқаро турнир чин маънода катта спорт байрамига айланиб кетди. Якунда ғолиб ва совриндорлар, иқтидорли ҳамда умидли таэквондочилар Cool Up фирмаси, Alokazay Теа компаниясининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Тиль ва массоги баҳсларида энг кўп медалга сазовор бўлган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

— Жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда олиб бораётган хайрли ишларимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди Ўзбекистон Таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов. — Кейинги йилларда республика миқёсида ўтаётган биринчиликлар, Ўзбекистон кубоги мусобақаларини вилоятлар марказлари ҳамда чекка туманларда ҳам ташкил этмоқдамиз. Бу баҳслар айнан Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари томонидан барпо этилган янги спорт иншоотларида ўтказилмоқда. Натижада қишлоқ ва туманларда таэквондо жуда тез оммавийлашиб бораётир. Мусобақада Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ёш таэквондочиларининг юқори натижаларни қўлга киритганлиги ҳам сўзимиз тасдиғидир.

— Массоги баҳсларида бешта учрашув ўтказиб, барчасида ғалаба қозондим, — дейди Бухоро туманидан келган ўн беш ёшли Баҳодир Мукаррамов (57 кг.). — Ўтган йили Бухорода ўтказилган мамлакат биринчилигида ҳам ғолиб бўлгандим. Ниятим, келгусида Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан жой олиб, Осиё ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш.

Ўз вақтида қизлар ўртасида мамлакат чемпиони, халқаро турнирлар ғолиб ва совриндори бўлган гулистонлик Азиза Ҳусанова бу сафар мусобақага ўз шогирди билан ташриф буюрибди.

— Бир йилдан буён шаҳримизнинг 72-умумтаълим мактаби спорт залида машғулотлар олиб бораяпман, — дейди Азиза. — Ҳозир бу ерда ўттиз нафардан зиёд ўғил-қиз таэквондо сирларини ўрганаяпти. Турнирга шогирдларимдан I ДАН «қора белбоғ» соҳиби Ҳусан Исмоиловни олиб келгандим. 13-14 ёшли қатнашчилар ўртасида Ҳусан (52 кг.) тиль, ҳамда массоги баҳсларида олтин медалга сазовор бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №9 на 2007 год, на приобретение якоря тягового электродвигателя НБ 412 в количестве 60 штук.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари», Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410.

Телефоны: 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

✧✧✧

В №19 газеты «Голос Узбекистана» от 18 мая 2007 года в тендерном объявлении ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» в строке ЛОТ 5 следует читать: подкладки КБ-65 в количестве 1500 тонн.

Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 4 майдаги 18-0702/5752 ишига асосан вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан назорат ўрнатилганлиги сабабли «Мерос» МЧЖ кредиторларининг умумий йиғилиши 2007 йил 30 май куни соат 10.00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади.

Манзил: Шаҳрисабз шаҳри, Т.Баҳодир кўчаси, 32-уй.

Ҳамма кредиторларнинг қатнашишлари сўралади.

Назоратчи: Ш.Холмуродов. Тел: 526-45-75.

Маъмурият: Тел: 522-83-25.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

4Н-627. «Бандихон — ШКБ» автомобиль йўлининг 0-13 км. қисмини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 544,888 млн. сўм. Қурилиш муддати — 180 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясы.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома (лицензия) ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Шунингдек, ушбу иншоотнинг танлов савдосида қатнашувчи талабгорлар кўприк қурилишини олиб бориш учун махсус рухсатномага эга бўлишлари ёки шу соҳа бўйича ёрдамчи пудрат корхоналарини жалб этишлари талаб этилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ «АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ» НОМИДАГИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 31-а уйда жойлашган Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят Ахборот-кутубхона марказини мукаммал таъмирлаш».

Қурилиш муддати — 6 ой.

Буюртмачи: Фарғона вилояти, «Аҳмад ал-Фарғоний» номидаги Ахборот-кутубхона маркази.

Манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 31-а уй, тел.: 224-56-05, 224-30-65.

Қурилиш-монтаж ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми Ҳайъати «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари Алимқул Султоновга падари бузруквори **Тошибек СУЛТОНҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Алимқул Султоновга отаси **Тошибек СУЛТОНҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят ва Термиз шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари Термиз шаҳар кенгаши раиси Асқар Ғойибовга волидаи муҳтарамаси **ЎҒИЛОЙ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Навоий вилоят ва Конимех туман Кенгашлари туман ҳокими, ЎзХДП аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Саъдулла Истамовга волидаи муҳтарамаси **Хубоной ая Тошпўлатова**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.